

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 8 май, № 89 (6019) Пайшанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 май куни Оқсаройда мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бёрнсни қабул қилди.**





Учрашувда ўзаро ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва икки томон учун манфаатли бўлган бошқа соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Турли соҳаларда мунтазамлик касб этган мулоқотлар, жумладан, икки мамлакат парламентлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги изчил алоқалар томонлар учун самарали ва конструктив ҳамкорликни қарор топтириш имконини бермоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда АҚШ компаниялари иштирокида тузилган 190 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 53 таси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мамлакатимизда АҚШдаги 40 етакчи корпорациянинг ваколатхоналари очилган.

Суҳбат давомида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Уильям Бёрнс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти бундан буён ҳам Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

---

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга миллий ва замонавий услублар асосида тайёрланган спорт кийимларини тантанали топширишга бағишланган маросимлар бўлиб ўтмоқда.*

*Таъкидлаш жоизки, ушбу хайрли тадбирлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин тасдиғидир.*

# Спортчи қизларга — Президент совғалари

**БУХОРО**

Вобкент туманилик Гулнигор Камолова спортга меҳр қўйган қизлардан. Турон яккакураши билан шуғулланади. Ўзбекистон чемпиони. Мамлакат терма жамоаси аъзоси. Тенгдошлари унга чин дилдан ҳавас қилишади. Юртимиздаги кўплаб қизлар қаторида Гулнигор ҳам спорт кийимларини совға сифатида қабул қилиб олди.

— Жудаям хурсандмиз, — дейди чемпион қиз. — Бу либос дизайни, сифати билан менга ёқди. Шундай юксак эътиборга, албатта, яхши ўқиб, спорт билан янада астойдил шуғулланиб, янгидан-янги муваффақиятларимиз билан жавоб қайтарамиз.

Муҳташам "Вобкент" спорт мажмуида ташкил этилган тадбир чинакам байрам тусини олди. Спортчи қизларнинг чиқишлари, она-Ватан, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар йиғилганлар кайфиятига кайфият қўшди.

Худди шундай маросимлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ташкил этилиб, 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган жами 6343 нафар спортчи қизга спорт кийимлари тарқатилди.

**НАМАНГАН**

Бугунги кунда Наманган вилоятида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 59 минг 166 нафар қиз спорт билан шуғулланмоқда. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ҳам улар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Эзгу анъанага мувофиқ, бу йил вилоят бўйича 16 минг нафардан ортиқ қизларга спорт кийимлари туҳфа қилинди.

Наманган туманининг Тошбулоқ шаҳарчасида шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда сўз олганлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спорт, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз республика миқёсидаги мусобақаларда тажриба орттиргач, қитъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз довруғини оширишга ўз ҳиссаларини қўшишаётгани эътироф этилди. Тадбир қатнашчилари спорт кийимларини совға сифатида қабул қилиб олган тумандаги 1394 нафар қизга ҳам ўқишда ва спортда омад ёр бўлишини тилашди.

(Давоми 2-бетда).

---

# Ўзбекистоннинг маҳалла институтини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси Жанубий Корея экспертларида катта қизиқиш уйғотди

*Сеул шаҳрида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим механизми" мавзуига бағишланган халқаро илмий-амалий давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг маҳалла институтини ривожлантириш мисолида фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги тажрибаси муҳокама этилди. Илмий-амалий давра суҳбатида Жанубий Корея эксперт-таҳлил доиралари вакиллари қатнашдилар.*

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчихонаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан Жанубий Кореянинг "Ипак йўли" жамғармаси ва Ханянг университети ҳузуридаги Осиё-Тинч океани тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бугунги кунда мунтазам равишдаги мулоқот ҳамда муносабатларни янада самарали ривожлантиришга бўлган муштарак интилиш туфайли Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳар икки мамлакат улкан иқтисодий салоҳиятга эга, улар ўртасида энг қулай режим амал қилмоқда. Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Таълим, илм-фан, спорт, маданият, тиббиёт ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқалар самарали ривожланаяпти, талабалар, ўқитувчи ва мутахассислар ўртасида ўзаро алмашувлар фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси икки томонлама кенг кўламли алоқаларни янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратади. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади — Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар ўзаро иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишган. Бугунги кунга келиб бундай муносабатлар янги кучли туртки олгани ҳолда, улар ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асослангандир.

Ўзбекистон делегациясининг Сеулга мазкур сафари ҳам томонларнинг яқин ва кўп қиррали ҳамкорлик юзасидан астойдил манфаатдорлигини яққол тасдиқлади. Фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мавзуси кўпгина давлатлар, хусусан, Корея Республикаси учун ҳам долзарбдир.

(Давоми 2-бетда).

---

*Шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференция юзасидан чет эл илмий жамоатчилиги вакиллари мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналарига ўз фикр-мулоҳазаларини йўллашмоқда.*




# «Ўзбекистон асрлар давомида илм-фан, таълим-тарбия ва маданият маркази бўлиб келган»

**Япония Миллий астрономик расадхонаси Астрофизика департаменти директорининг ўринбосари Такаши Ито:**

— Ўзбекистон асрлар давомида илм-фан, таълим-тарбия ва маданият маркази бўлиб келгани баробарида, жаҳон цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, XIV-XV асрларда буюк астроном ва математик Мирзо Улуғбек шу заминда яшаб, илмий фаолият билан шуғулланган. Унинг асарлари ҳамда астрономияга оид жадвалларидан Европанинг кўпгина олимлари кенг фойдаланишган. У илмий ишлари билан кифояланиб қолмасдан, расадхона ҳам бунёд этгани ҳолда, астрономия ривожига бебаҳо ҳисса қўшган.

Япония Миллий расадхонаси Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Мирзо Улуғбек номидаги астрономия институти билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётганига 10 йилдан ошди. Биз ноёб атмосфера шароити ва жуғрофий жойлашуви туфайли астрофизик объектларни кузатиш учун муҳим маскан ҳисобланадиган "Майданак" обсерваториясида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқдамиз.

Самарқандда бўладиган халқаро конференция ишида мен осмон ёритқичларини ўрганиш соҳасидаги илмий муваффақиятлар юзасидан ўзаро фикр алмашиш ҳамда Ўзбекистон илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш ниятидаман.

(Давоми 2-бетда).

---



## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

*Ёшликда қалбимиз орзу-умидларга тўла эди.*
*Уруш деган балойи азим барчасини саробга айлантирди.*
*Минглаб сафдошларим — ёш йигитларнинг умри хазон бўлди.*
*У даврларни эслаш жуда оғир. Учрашувларда, давраларда ўша машъум кунлар ҳақида гапириб беринг, дейишади.*
*Осон эканми? Бугунги дориламон кунларнинг қадрига етайлик, деб уларга хотираларимдан сўзлаб бераман.*

# Тенгсиз меҳр қўрғони

Замонамиз ўзгарди. Яратганга беадад шукрки, Президентимизнинг мислсиз жасорати, халқимизнинг букилмас иродаси туфайли истиқлолга эришдик. Бундан бошимиз осмонга етди. Турмушимизга қут-барака кирди. Мустақиллик бизга эркимизни, қадимий анъаналаримизни қайтариб берди.

Бугун ёшу кекса, барча-барча ардоқда. Муқаддас заминимизда ҳар бир инсон азиз ва мўътабар. Шу боис ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Эл-юртнинг эътиборидамиз, ҳеч ким биздан меҳрини, ҳурматини аямайди.

Шу кунларда бизни йўқлайдиганлар ҳар доимгидан-да кўп. Маҳалладошлар, жамоатчилик вакиллари, қариндош-уруғлар бир дастурхон атрофида йиғилиб, юртимизда бўлаётган янгиланишлар, ҳаётимизда рўй бераётган фаровонликлар, айниқса, Хоразмдаги бунёдкорлик ишлари ҳақида суҳбатлар қурамиз. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони биз, фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳозир улар эл-юрт хизматида. 17 набирам, 24 чеварам, 2 эварам атрофимда. Барчаси жам бўлса борми, уйимиз тўйхонага айланади. Уларнинг юзкўзидаги қувончни, бахтиёрликни кўриб, ичимга сиғмай кетаман. Турмушимиздан кўнглимиз тўқ. Биз меҳру оқибатнинг қайноқ тафтидан куч олаяпмиз. Ишончим комилки, Ўзбекистонимиз Ер юзида тенгсиз меҳр қўрғони бўлибгина қолмай, эрта-индин энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишга қодир бўлган келажаги буюк давлатдир.

**Саидмат ОТАЖОНОВ, уруш ва меҳнат фахрийси.**

Урганч шаҳри

---

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Пойтахтимизда 7 май куни Ўзбекистон — Малайзия савдо-иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, банк-молия, суғурта, сайёҳлик, логистика, экспорт-импорт, таълим ва бизнес-консалтинг каби соҳалар учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев, Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссин Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида, ўзаро манфаатдорлик ва ишонч руҳида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Малайзия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим ва ишончли ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сармоя, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти қатнови, илм-фан, маданият, сайёҳлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш каби соҳаларга оид ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар амал қилади. Турли даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этаётгани ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга икки томоннинг ҳам қизиқиши юқори эканидан далолат беради.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. 2013 йилда бу борадаги кўрсаткич 2012 йилдагига нисбатан 3,6 фоиз ўсди. Мамлакатимизда малайзиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган, нефть-газ, тўқимачилик ва кимё саноати, электр техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо, туристик ва молиявий хизматлар кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган 17 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Малайзиянинг етти компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

# Спортчи қизларга — Президент совғалари



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## СУРХОНДАРЁ

Шу йилнинг 28 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланиб, хусусан, улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилаётгани, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, бундай саъй-ҳаракатлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Биргина Сурхондарё вилоятида 2003 — 2013 йилларда 116 та замонавий болалар спорти иншооти ҳамда 14 та мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда спорт мажмуаларида 43 мингдан ортиқ ўғил-қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг ўн мингдан ортиғи қиз болалардир.

Вилоятдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, мунтазам спорт билан шуғулланаётган ўқувчи қизларга спорт либосларини топшириш маросимлари байрамона руҳда ўтказилмоқда. Хусусан, Термиз шаҳридаги "Сурхон" спорт мажмуида ташкил этилган тадбирда 1000 нафардан зиёд қизларга спорт кийимлари берилди.

— Спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланаман, — дейди Термиз Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Ситора Назарова. — Вилоят миқёсидаги мусобақаларда доим иштирок этиб, бир неча бор ғолибликка ҳам эришганман. Эндиги мақсадим — уч босқичли тизимнинг ўрта бўғини — "Баркамол авлод" ўйинларида қатнашиб, совриндор бўлиш. Бу ниятимга ҳам, албатта, етаман. Бугун бизга спорт либослари совға қилинди. Бундан жудаям хурсанд бўлдик. Президентимизга катта раҳмат!

Сурхондарё вилояти бўйича жами 24 минг 488 нафар қизга спорт кийимларини совға сифатида топшириш режалаштирилган.

## СИРДАРЁ

Сирдарё вилоятида ҳам умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўқувчи қизларга спорт кийимларини топшириш маросимлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда вилоятда аҳолини спортга кенг жалб этиш, айниқса, хотин-қизлар ва болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Бир неча йилдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Гулистон шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шоҳина Ҳасанбоева. — Мазкур спорт тури бўйича шаҳримизда ҳар жиҳатдан қулай ва замонавий шароитлар яратилган. Хусусан, "Алпомиш" спорт мажмуида ташкил этилган бадиий гимнастика тўгарагига мен каби ўнлаб қизлар қатнайди. Ҳаммамизнинг ниятимиз улкан. Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликка ўқиш ва спортдаги ютуқларимиз билан жавоб берамиз.

Ўзига хос байрамга айланиб кетган тантанали маросимларда вилоят бўйича жами 2398 нафар ўқувчи қизга спорт кийимлари улашилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

*Шу кунларда қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида 15-16 май саналарида ўтказиладиган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро илмий конференцияга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.*

# Нуфузли анжуманга юксак ҳозирлик



Президентимизнинг жорий йил 1 апрелдаги Фармойишига мувофиқ ташкил этилаётган ушбу анжуманда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувайт, Россия ва Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатлардан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этиши кутилаётир. Тадбирда буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди, тарихий меросига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш қилиниши белгиланган. Бинобарин, қатнашчилар Самарқанддаги тарихий, илмий ва маданий обидалар, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишадилар.

Шу муносабат билан айни пайтда Самарқандда анжуманни юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари доирасида мувофиқлаштирувчи штаб шакллантирилиб, зарур воситалар билан таъминлангани, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, олимларнинг ижоди ва ютуқлари тўғрисида ахборотнома, қўлланма, китоб ва ҳужжатли фильмлар тайёрланаётгани ҳамда "Регистон Плаза" меҳмонхонасида матбуот хизмати фаолияти йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Конференцияга жалб этилган масъул ташкилот ва идораларнинг барчаси ўз зиммасидаги вазифаларни бекаму кўст бажаришмоқда, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими раҳбари Илҳом Сувонов. — Жумладан, тадбир кунлари ўттизга яқин замонавий автобус ва микроавтобуслар иштирокчилар ихтиёрида бўлади. Қолаверса, улар "Регистон Плаза", "Ориент Стар Кўксарой", "Регал палас", "Регистон" каби меҳмонхоналарнинг замонавий хизматларидан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, шаҳардаги қадимий обидалар ва зиёратгоҳлар бўйлаб ташкил этиладиган саёҳатлар меҳмонларда катта таассурот қолдириши, шубҳасиз. Уларга Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари орасидан танлаб олинган 160 нафар гид-экскурсовод ва таржимонлардан иборат гуруҳ ҳамроҳлик қилади. Ҳозир бунинг учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилаётир.

Дарҳақиқат, рўйи замин сайқали — Самарқанднинг марказий ва гавжум кўчалари байрамона безатилмоқда. Истироҳат боғлари, аэропорт, темир йўл вокзали каби масканлар янада ободонлаштирилмоқда. Зеро, буларнинг бари анжуман баҳона тарихий шаҳарга қадам ранжида қилаётган меҳмонларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга қаратилган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистон асрлар давомида илм-фан, таълим-тарбия ва маданият маркази бўлиб келган»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Токио университети профессори Гакугеи Харуо Кобаяши:**

— Ислом фалсафаси тарихи бўйича мутахассис бўлганим боис мен ҳудуди башарият цивилизациясининг кўҳна ўчоқларидан бири ҳисобланадиган Мовароуннаҳрдаги буюк олимларнинг кўпгина илмий ишларини ўрганганман. Шарқ марвариди — Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган йирик халқаро конференцияда қатнашиш мен учун катта шараф.

Маълумки, ўзбек заминида яшаган ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк олимлар илм-фаннинг барча соҳалари ривожига бебаҳо ҳисса қўшган. Уларнинг ишлари ҳозирги пайтда ҳам улкан аҳамиятга эгадир. Улар бизларга ноёб илмий мерос қолдирган.

Самарқандда бўладиган халқаро конференция ҳам ўзбек халқининг буюк аждодлари илмий меросини ўрганишга, шунингдек, мамлакатда интеллектуал жиҳатдан ривожланган авлодни тарбиялаш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юксак эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди. Бунда илм-фан ва таълим ривожланишига ҳамда бебаҳо маданий меросни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳурматга сазовордир.

**Токио университети профессори Масата Такешита:**

— Қадим даврлардаёқ бугунги Ўзбекистон ҳудудида илм-фан, маданият ва санъат ривожланган. Жаҳон илм-фани хазинасига катта ҳисса қўшган бу заминнинг буюк олимлари ва мутафаккирлари номлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам машҳурдир. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ҳадисшунослик ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонга бориш менинг орзуим эди. Мен шундай муҳим тадбирга таклиф этилганим учун Ўзбекистон ҳукуматидан миннатдорман. Юзлаб олим ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий фаолиятига бешик бўлган, бой тарихий ва маданий меросга эга Самарқанд шаҳрига сафаримни интиқлик билан кутаяпман.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

Маҳаллийлаштириш:

# РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

*Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида Узун туманидаги "Фидокор Сурхон агромаш" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги техникалари учун тайёрланаётган эҳтиёт қисмларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш юзасидан истиқболли таклифлар билдирилди.*

ИСЛОҲОТ

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, кейинги йилларда вилоятда ишлаб чиқариш субъектларини молиявий соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жойлардаги саноат тармоқларида импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турлари ўзлаштирилишига ва қўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Айниқса, ҳудуддаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхона ва объектларнинг мулкдорларга инвестиция киритиш мажбурияти билан "ноль" қийматида сотилиши соҳани янада ривожлантириш имконини бераяпти.

"Фидокор Сурхон агромаш" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Тумандаги собиқ "Ихтисослаштирилган тажриба заводи" ўрнида маҳаллий инвесторлар маблағлари ҳисобига ташкил этилган мазкур корхонада дастлаб ҳудуддаги қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар ва ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шундан сўнг бу ерда кенг кўламли технологик янгиланишлар амалга оширилиб, жамият фаолияти кенгайтирилди.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

— Бугун қўшимча тармоқларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди тадбиркор Қобилжон Ҳамзаев. — Ўз навбатида, улар энг илғор технологиялар билан жиҳозланаяпти. Пировардида харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришаяпмиз.

Дарҳақиқат, корхонанинг мавжуд цехларидаги ускуналар замонавий. Сўнгги русумдаги фрезерлик, токарлик ҳамда чилангарлик дастгоҳларини ёшлар моҳирлик билан бошқармоқда. Бу эса Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Хонжиза бошқармасига қарашли махсус техникалар, транспорт воситалари ҳамда механизмлар учун 30 турдаги эҳтиёт қисмлар ва ускуналар ишлаб чиқаришда қўл келаётир. Аниқроқ айтганда, оғирлиги 480 килограммни ташкил этувчи махсус пичоқлар, конлардаги қувурларни улашда қўлланиладиган "БРС" мосламалари, пармаловчи машиналар, кесма втулкалар ҳамда 14 турдаги больт ва гайкалар буюртмачиларга маъқул келмоқда. Шунингдек, ғўза қатор ораларига ишлов берувчи культиваторлар, ҳайдов тракторлари ва плугларга мўлжалланган бутловчи қисмлар ҳам талабгорларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Дарвоқе, яқинда корхона қошида яна бир янги тармоққа асос солинди. Яъни бу ерда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун сифатли эшик ва ромлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса корхона даромадлари кўпайишига асос бўлмоқда. Шунга қарамай, жамоа изланишдан тўхтагани йўқ. Чунончи, ҳозир "Фидокор Сурхон агромаш"да металлни қайта ишлаш ҳамда шиша идишлар ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш саъй-ҳаракатлари давом эттирилаяпти. Эътиборли жиҳати, умумий қиймати 400 миллион сўмлик мазкур лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар тури ҳамда иш билан банд аҳоли сони янада кўпаяди.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Малайзиянинг "Petronas" корпорацияси билан ҳамкорликда геология-қидирув ишлари, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуасида тайёрлайдиган метан газидан синтетик суюқ ёнилғи тайёрлайдиган завод қуриш бўйича йирик қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган "Oltin yo'l GTL" заводи келгусида дунёдаги саноқли корхоналардан бири бўлади. Унда синтетик суюқ ёнилғи — суюлтирилган газ, авиакеросин ва "премиум класс" тоифасидаги, яъни "Евро-4" стандартидан кам бўлмаган дизель ёнилғиси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани қайд этилди. Юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими чет эллик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон ишбилармонлари билан нефть-газ, қурилиш, логистика каби қатор йўналишларда фаол ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз, — деди Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссин. — Мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри экспорт-импорт алоқаларини ривожлантириш ниятидамиз. Мазкур анжуман давлатларимизнинг ўзаро сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Меҳмонларга мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, "Навоий" ва "Ангрен" иқтисодий зоналарида яратилган қулайлик ва имкониятлар тўғрисида маълумот берилди. Шунингдек, Малайзиянинг иқтисодий ривожланиши ва сармоявий муҳити ҳақида сўз юритилди.

— Компаниямиз юқори сифатли оптика маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — деди "Bolton Optical" компанияси бош ижрочи директори Сим Энг Пенг. — Ўзбекистон билан мазкур соҳада ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта. Ушбу тармоққа сармоя киритишни режалаштираяпмиз.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Малайзия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

# Ўзбекистоннинг маҳалла институтини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси

## Жанубий Корея экспертларида катта қизиқиш уйғотди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбати чоғида ушбу мавзуга бағишланган қатор маърузалар тингланди. Мазкур дўст мамлакатнинг олим ва мутахассислари Ўзбекистондаги ноёб ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла институтига жуда катта қизиқиш билдиришди.

Тадбирнинг кореялик иштирокчилари ўзбек халқига хос анъана ва қадриятларни асрлар давомида ўзида мужассам этиб келаётган маҳалла институти билан батафсил танишдилар. Алоҳида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ушбу институтнинг роли жамият ҳаётида оғишмай ошиб бормоқда. Республика раҳбарияти томонидан маҳаллалар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, улар вазифаларининг кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Тадбир чоғида кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла мустақиллик йиллари давомида аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишида ажралмас ва муҳим иштирокчи бўлаётганлиги қайд этилди. Баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлашда маҳалла алоҳида ўрин тутмоқда.

Таъкидланганидек, маҳалла институти сайлов ўтказиладиган идора ҳисобланади. Ўтган йил охирида бутун республикада фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Сайловлар давомида маҳаллаларда яшайдиган аҳолининг фаол қатнашганлиги маҳалла институтига бўлган ишончнинг ўсиб бораётганини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фуқаролар йиғинларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол тасдиқлади. Бу жараён мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалланинг аҳамиятли ролини исботлади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган. Унинг асосида маҳаллаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишдаги ижтимоий шериклиги вақт ўтган сари янада самарали ва мазмундор бўлиб бормоқда. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишида маҳалла институти аҳамиятли бўғин бўлиб қолди.

Мустақиллик йилларида маҳалла жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига, кучли яратувчанлик салоҳиятига эга бўлган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бирламчи бўғинига айланди. Бугунги кунда мамлакатда қарийб 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатида бўлган 30 дан зиёд вазифани бажаришмоқда.

Халқаро давра суҳбатида, жумладан, **Ханянг университети ҳузуридаги Осиё-Тинч океани тадқиқотлари маркази президенти Ом Гу Хо** ҳозирги пайтда Кореяда Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил демократик ўзгаришларни диққат билан кузатиб боришаётганини қайд этди. Унинг таъкидлашича, маҳалла институти ҳақиқий демократик тамойилларга асосланган ҳолда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади, маҳалла фаолиятининг тамойиллари бошқа мамлакатларда ҳам кенг ўрганилмоқда.

— Маҳалла Шарқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, оила институти қадриятларини сақлаш имконини беради, — деди **Сонг Кюн Кван университети профессори Ким Санг Хён**. — Кўҳна тарихга эга бўлган ва миллий қадрият ҳисобланадиган маҳалла ўзбек халқининг ҳаёт тарзи ва менталитетини акс эттиради. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла институти бугунги кунда маданий элита даражасига кўтарилди. Бу, ўз навбатида, республиканинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада оширишга ҳам хизмат қилади. Маҳалла одамларнинг бир-бирига ҳурмати ва жипслигини ривожлантиришга кўмаклашади. Оила маҳалладаги энг кичик бўғин ҳисобланади. Оила ва маҳалла институтлари бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар ягона занжирни ташкил этади. Маҳалла оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигининг таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳалланинг ноёб тарихий роли қайта тикланди ва бойиди, — дея қайд этди **Кореяшунослик академиясининг профессори Хан До Хён**. — Ўзбекистоннинг барча ҳудудида, катта шаҳарлар билан бир қаторда, узоқ туманларда ҳам маҳаллаларнинг фаолият кўрсатаётганлиги Ўзбекистонда давлат бошқаруви халқ ва давлатнинг яқин ҳамкорлиги асосида қурилганидан далолат беради.

Профессорнинг таъкидлашича, маҳалла институти умуминсонийлик ўлчовида катта қадрият касб этади. Шу боис уни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон номоддий мерос объектлари рўйхатига киритиш зарур, деб ҳисоблайди профессор Хан До Хён.

**Инҳа университети Халқаро тадқиқотлар институти директори Ким Ий Кон** 2015 йилда Сеулда Ўзбекистон билан ҳамкорликда Осиё, Европа, Америка қитъаларининг етакчи эксперт-таҳлил доиралари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятининг ривожланиши бўйича мамлакатимизнинг тажрибасини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Олимлар қайд этганидек, дунёнинг кўплаб мамлакатларида фуқаролик институтлари ривожланиши жараёнлари бўйича тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек маҳалласи бетакрор миллий демократик институт бўлиб, бошқа давлатлардаги ўзини ўзи бошқариш моделларидан тубдан фарқ қилади. Маҳалланинг аҳамияти шундаки, бу ерда халқнинг тарихий анъаналари асраб-авайланади ва ривожлантирилади, унинг фаолиятида барча фуқаролар, шу жумладан, ёшлар ва аёллар фаол иштирок этадилар. Маҳалла жамиятни демократлаштиришда, тинчлик-осойишталикни сақлашда ва миллатлараро ҳамжиҳатликни асраб-авайлашда муҳим ўрин тутади. Уларнинг якдил фикрича, маҳалла, бу — ниҳоятда мустаҳкам, барқарор тузилмадир.

Давра суҳбати чоғида Жанубий Корея вакиллари учун **"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" китоби** ҳамда **"Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва ҳозирги кун" ҳужжатли фильмининг** тақдимоти бўлиб ўтди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси Корея Республикаси Хавфсизлик ва давлат бошқаруви вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматчиларини тайёрлаш институтида унинг **президенти Ю Юнг Же** билан ҳам музокаралар ўтказди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда ушбу Институт ўртасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Мулоқот якунида икки мамлакат таълим тузилмалари ўртасидаги Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Мухтасар айтганда, Корея Республикасида ўтказилган тадбирлар мазкур мамлакат олимлари ва жамоат арбобларининг, халқаро экспертларнинг мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари самарали фаолиятини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш бўйича тўпланган тажрибани ўрганишга нисбатан чуқур қизиқишини кўрсатди. Улар бўлиб ўтган давра суҳбати якунларига юксак баҳо бериб, ушбу мулоқотни келгусида халқаро учрашувлар доирасида давом эттиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Фармацевтика саноатида фаолият юритувчи “Bayer” (Германия) компанияси шу йўналишга ихтисослаштирилган “Merck” (АҚШ) компаниясининг рецептсиз бериладиган дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўлимини сотиб олмоқчи.*

## Мавқеини оширмоқчи

“Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, харидор бунинг учун 14,2 миллиард АҚШ долларидан воз кечишга тайёр. Агар томонлар ўзаро келишувга эришса, “Bayer” рецептсиз дори-дармонлар тайёрлаш бўйича “Johnson & Johnson” (АҚШ)дан кейин дунёдаги энг йирик иккинчи ишлаб чиқарувчига айланади.

## Туризм учун маблағ

*Мексика туризм соҳасини ривожлантириш учун 14 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтиради.*



Бу ҳақда мамлакат раҳбарининг сўзларига таяниб, “El Arsenal” нашри хабар тарқатди. Ажратиладиган маблағ сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, хусусан, янги туристик йўналишлар ташкил этиш, аэропортларни модернизациялаш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга сарфланади.

Маҳаллий аҳоли вакиллари ушбу жараёнда соҳиллардаги пляжларни яхшилаш ҳамда тарихий марказларни тиклашга ҳам аҳамият қаратиладими ёки йўқми, деган савол жавобига қизиқмоқда. Чунки бу борада ҳозирча ҳеч қандай гап айтилмаган.

## Хакерлар ҳужуми

*Франциядаги йирик “Orange” мобиль алоқа операторининг 1,3 миллион нафар абоненти хакерлар ҳужумидан зарар кўрди.*

Гап шундаки, кибержиноятчилар уларнинг телефон рақамлари ва электрон адресларини билиб олган. Шу боис компания маъмурияти мижозларга мурожаат қилиб, улардан шахсий маълумотлар, айниқса, банклардаги ҳисоб рақамларини интернет орқали юбормай туришни сўраган.

“Orange” бундай муаммога биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Масалан, жорий йилнинг февраль ойида унинг 800 минг нафар абонентига оид маълумотлар хакерлар қўлига тушгани ҳақида хабарлар тарқатилганди.

## Ноёб топилма

*Бир гуруҳ археологлар Перуда қадимий астрономик мажмуани топишди.*



Умумий майдони 40 квадрат километрга тенг бўлган ушбу комплекс пойтахт Лимадан 200 км. узоқда, мамлакатнинг жанубий соҳилларидаги Чинча-Альта шаҳрида жойлашган. У бундан 2300 йил муқаддам барпо этилгани тахмин қилинаяпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мажмуа астрономик обсерватория ҳисобланиб, бу ерда Қуёшни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари, ундан Шарқдан келадиган савдогарлар учун манзилни кўрсатиб турувчи маёқ сифатида ҳам фойдаланилган.

## Аукционда сотилди

*Нью-Йорк шаҳридаги “Christie`s” аукционида француз рассоми Клод Моненинг “Оқ нилфиялар” номли картинаси 27 миллион АҚШ долларига сотилди.*

Савдо аввалида асарга 25 — 35 миллион АҚШ доллари атрофида нарх белгиланган эди. Аммо унга 27 миллион доллардан кўп нарх таклиф қилинмади.

Бу Моненинг аукционларда сотилган энг қиммат ижод намунаси эмас. Чунки 2008 йилда унинг “Оқ нилфиялар кўли” номли асари 80,4 миллион АҚШ долларига пулланган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати кўп минг кишилик жамоаси

республикамизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларига ҳамда барча нуронийларга

Хотира ва қадрлаш куни

9 Май

муносабати билан чуқур ҳурмат, эҳтиром ва эзгу тилакларини изҳор этади.

*Бу кун юрт озодлиги ва ободлигига ҳисса қўшган марҳум ватандошларимизнинг азиз номларини хотирлаб, руҳларини шод этамиз.*
*Уларнинг умр йўллари ёшларимизни ватанпарварлик, мустақиллигимизни қадрлаш руҳида тарбиялашда ибрат намунасидир.*
*Азиз юртдошлар, муҳтарам фахрийлар!*
*Мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*
*Барчангизга бахт-саодат, хонадонларингизга фаровонлик ва хотиржамлик тилаймиз!*

718R/80

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ

**Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида видеоконференция тизимини ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида жиҳозлар, ускуналар етказиб бериш ва ишларни бажариш юзасидан тендер савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Тендер тури** — очиқ.

**Тендер предмети** — Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида видеоконференция тизимини ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида жиҳозлар, ускуналар етказиб бериш ва ишларни бажариш.

Тендерда маҳсулотнинг юқори сифатлилиги ва жиҳозларнинг ўз вақтида етказиб берилишини кафолатлайдиган миллий, шунингдек, чет эл фирма ва ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

**Тендер савдоларининг буюртмачиси** — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди.
**Манзил:** Ўзбекистон Республикаси, 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (8-371) 277-49-30, 277-14-16. Факс: (8-371) 273-84-78.
E-mail: uzxozsud@oxs.uz, веб-сайт: www.oxs.uz

**Тендер комиссиясининг ишчи органи** — «O‘zAloqaKonsalting» MChJ.
**Манзил:** Ўзбекистон Республикаси, 100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 5-квартал, 7-уй, 1-хонадон.
Телефонлар: (8-371) 221-88-94, 221-88-95. Факс: (8-371) 221-88-94.
E-mail: jeleznov@consalting.uz, info@consalting.uz веб-сайт: www.consalting.uz

Тендер иштирокчилари маълумот олиш учун ишчи органига ҳар куни Тошкент вақти билан соат 10.00 дан 17.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер бўйича таклифларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар мурожаат қилишлари мумкин.

Ускуналарни етказиб бериш ва ишларни бажариш муддати, шартномага мувофиқ, аванс тўловлари амалга оширилган кундан бошлаб 90 кун.

Ускуналарни етказиб бериш ва ишларни бажариш шартлари — Тошкент ш. DDP, буюртмачининг манзили бўйича (ИНКОТЕРМС — 2010).

Лойиҳани амалга оширишнинг юқори баҳоси — 1 455 013 734 сўм.

Талабгорларни дастлабки малакавий танловдан ўтказиш муддати — 2014 йил 10-11 июнь.

Тендер ҳужжатлари баҳоси: чет эллик етказиб берувчилар учун — 300 (уч юз) АҚШ доллари, миллий етказиб берувчилар учун — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валюта — сўмда тўлов кунида амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини сотиб олишда учинчи шахсларнинг иштироки тақиқланади. Тендер ҳужжатлари учун кўрсатилган нарх ишчи органига тўланади ҳамда қайтариб берилмайди.

Тендер иштирокчиси учун тендер бўйича таклифни тақдим қилишда закалат суммаси 30 000 000 сўмни ташкил этади.

**Тендер бўйича таклифлар ишчи орган томонидан Тошкент вақти билан 2014 йил 9 июнь соат 17.00 га қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 5-квартал, 7-уй, 1-хонадон.**

Мазкур муддат ўтганидан сўнг таклифлар ва қўшимчалар қабул қилинмайди.

723R/396

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 23 май куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 29 ноябрдаги 15-1309/17395-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 29-сонли «Машъал» МФЙ, Сайилгоҳ кўчасида жойлашган, «Fergana globus» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 359,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1105,01 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги 3 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 189 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир иш куни қолганда, яъни 2014 йил 21 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

713R/90

ЭЪЛОНЛАР

«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 30 декабрдаги 10-1310/19573-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар кўчаси, 2-квартал, 61-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 286,0 кв.м., умумий майдони 691,0 кв.м.дан иборат бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 513 398 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 10 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

716R/562

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 26 апрелдаги 81 (6011)-сонида чоп этилган хабарнома билан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалида 2014 йил 27 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига чиқарилган, Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 16-1203/11795-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ҳунарманд Л» КТХФга тегишли, Наманган шаҳри, Беруний соҳили кўчасида жойлашган ошхона ва савдо дўкони бино-иншоотлари аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

*Асос: Суд департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 25 апрелдаги 01-2135/2-сонли алоқа хати.*

Хизматлар лицензияланган.

721R/1453

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан Бухоро вилояти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган «Орзу» қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй-жой мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 043 791 382 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бир гектарлик майдонга эга иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 28 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 26 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

719R/1453

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Чортоқ тумани судининг 2012 йил 11 сентябрдаги 175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, фуқаро Қирғизов Сайдулло Шарифовичга тегишли, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Мучум» ҚФЙ, «Янгиобод» МФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 251,99 кв.м., қурилиш ости майдони 227,46 кв.м. бўлган гузар бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 180 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Учқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Учқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 8 январдаги 3215/100-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қўғай таъмирлаш» МЧЖга тегишли, Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Ҳамза қишлоғида жойлашган, фойдаланиш майдони 1814,10 кв.м., қурилиш ости майдони 1257,20 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 462 536 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 9 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

720R/1453

# Берлинда тақдимот маросими

*Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги элчихонасида “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Германия пойтахти жамоатчилиги, академик ва ишбилармон доираларининг вакиллари иштирок этди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тақдимот қатнашчилари 2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббусининг мазмун-моҳияти, жорий йилнинг февралида қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари билан атрофлича танишдилар.

Тадбир чоғида Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларданоқ ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш бўйича ижтимоий йўналтирилган сиёсат олиб борилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, 7 бўлим ва 125 банддан иборат “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятида мамлакатнинг нафақат бугунини, балки эртанги кунини ҳам белгилайдиган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий негизини мустаҳкамлаш каби долзарб аҳамиятга эга масалалар ётибди. “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши эртанги кунга ишончнинг бир кўриниши, болалар, ёш авлодга эътибор ва чексиз ғамхўрликнинг навбатдаги ифодаси, Ўзбекистон ўз олдига қўйган олижаноб мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги муҳим қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ушбу Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳукумат томонидан 4,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилгани, улар соғлиқни сақлаш муассасаларини модернизациялаш, бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим сифатини ошириш, якка тартибдаги тураржойлар қуриш ҳамда қишлоқда яшайдиган аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришга йўналтирилиши тақдимот қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Тақдимот доирасида “Соғлом бола йили” мавзуига бағишланган суратлар кўргазмаси ҳамда республикамизнинг замонавий тараққиёти, маданияти ва бой сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги ҳужжатли фильмнинг намойиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин



ТУЙҒУ

Қалдирғоч қанотларини
кенг ёзиб, сирли сайраганча учиб ўтди. Бутун борлиқ,
табиат унинг ҳаётбахш садосидан ҳузур топди. Баҳорнинг майин
еллари сочларни енгил тараб қўйди. Кўкка қадалган нигоҳлар руҳий
осойишталик эҳтиёжи билан гуллаб-яшнаётган замин бағрига кўчди.
Тинчлик неъмати жисму жонларга оройиш бағишлади.
Ўзидан бир неча баробар катта буғдой донасини гоҳ тортқилаб, гоҳ
кўтаришга интилаётган, бутун вужуди билан манзил томон ҳаракатланаётган чумоли ҳам тинчликнинг бир зарраси. Офтоб ҳам унга хайрхоҳ.
Чумоли шу офтобга ошуфта.

# Қирқоғайнигул

**Ю**ртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Шундай юртга, унинг толеига шукрона айтмай бўлмайди. Хотира ва қадр фазилатлари ҳам аслида ана шу шукронадан бино бўлган.

Ҳар сафар уйимиз олдидаги қирқоғайнигулга боққанда, кўнглим тўлқинланади. Уларни раҳматли отам меҳр билан эккан эдилар. Бу гуллар, аввалambор, тинчликнинг саодатини ўзида акс эттиради. Қолаверса, шу тинчлик учун, юртимизнинг эрки ва истиқлоли учун фидокорлик кўрсатган, ўзлари шу дориламон кунларга етиб келолмаган ватандошларимиз хотирасини ёдга солади.

Қирқоғайнигул айни Хотира ва қадрлаш кунларида қийғос гуллайди. Унинг гуллаши ўзига хос мўъжиза. Зеро, юзлаб нозик ғунчалар бир оний ҳаракат ёки ой билан оқшомдаги мулоқотдан сўнг қип-қизил, болакайнинг жажжи муштчасидек келадиган гулларга айланади. Уларнинг очилиши гўёки рангин фавворанинг отилишига ўхшайди. Уй олдини қип-қизил гилам қоплагандек бўлади. Бири-бирига ёндашиб, мазмун ва моҳиятлари бири-бирига уйғунлашиб кетган қирқоғайнигулнинг гултожлари кўзларни қувонтиради.

Ўзига хос бу гулларга нега ўзгача ном қўйилганлиги билан қизиққанимда, отам менга мана бу ҳикоятни айтиб берганди:

“Бир юртда қирқ оғайни ботир йигитлар яшаган экан. Улар она-юртлари бағрида ўсиб-униб, кучга тўлиб, камолга етибдилар. Ҳар бири ўзига мақбул касб-корнинг бошини тутибди.

Аммо...”

Шу ўринда отам бир тўхтаб, астагина хўрсиниб олган эди. Афтидан, оғир хотиралар хаёлида жонланган бўлса керак. Кейин у яна оҳиста давом этганди:

“Ногаҳон, шу йигитларнинг юрти атрофида уруш олови ёнганда, қирқ оға-ини ҳам қўлига қурол олиб, жангга отланишибди. Улар беқиёс мардлик ва жасоратлар кўрсатиб, ёвни маҳв этишибди. Аммо оғир жароҳатлари боис ҳалок бўлишибди. Уларнинг тупроққа тўкилган қонидан шу қирқоғайнигул униб чиқибди...”

Қирқоғайнигулнинг қизил гуллари роппа-роса бир ой яшнаб туради. Ёзга етиб, бошқа гуллар барча жойда ғужғон ўйнаётган паллада кўзга кўринмай қолади. Бироқ унинг япроқлари кузнинг охиригача ям-яшил бўлиб туради. Улар ҳақидаги ҳикоят эса тилдан-тилга кўчиб юраверади.

Хотира ва қадр. Нақадар муқаддас қадрият бу! Неча минг-минг қирқ оға-иниларнинг мардлик ва жасоратини, матонатини улуғлаб, барчамизни ҳушёрлик ва огоҳликка, эзгулик ҳамда яхшиликка, Ватан фикру хаёли билан яшашга, юрт учун жонни ҳам аямасликка ундаб туради бу қадрият.

**Сотим АВАЗ,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби.**

# Эътибор ва ишонч

## ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига асос бўлмоқда

*Ёшларнинг ўқиши, ҳунар ўрганиши, қолаверса, ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, бугунги давр ёшларини чинакамига бахтиёр авлод вакиллари, десак, асло муболаға эмас.*

ФАХР

Дарҳақиқат, обод ва гўзал юртимизнинг бахтли фарзандлари бугун ҳар жабҳада ўз иқтидорини намоён этмоқда. Билим ва салоҳияти билан жонажон Ўзбекистонимиз номини дунёга танитмоқда. Ўзимдан қиёс: дастлаб ишимни ҳайкалтарошлик билан бошлаган бўлсам, ҳозир фаолиятимни ганч-ўймакорлик йўналишида давом эттираяпман. “Ҳунарманд” уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими аъзосиман.

Очиғи, ҳунарим туфайли элга танилаяпман. Юртимиз бўйлаб кезиб, кўплаб дўстлар орттирдим. Ташкил этилаётган турли кўрик-танлов ва кўргазмаларнинг фаол иштирокчисига айландим. Масалан, илк маротаба 2000 йилда тасвирий ва амалий санъат бўйича ўтказилган кўрик-танловда қатнашган бўлсам, 2012 йилги тасвирий санъат ҳафталигида махсус диплом билан тақдирландим. Ўтган йили эса республика миқёсида уюштирилган савдо-кўргазмаси доирасидаги танловда “Энг фаол ҳунарманд” номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” VII Республика ярмаркаси кўргазмасида ҳам чиғаноқ, ёнғоқ пўчоғи, сомон, гуруч ва ошқовоқ уруғидан ясаган санъат асарларимни намойиш қилдим.

Мазкур тадбирда қатнашиб, Ўзбекистон чинакам истеъдодлар юрти эканига амин бўлдим. Зеро, бу ерга ёш олим ва мутахассислар келтирган ишланмаларнинг ҳар бири ўзига хос, ҳар бири қайсидир соҳани ривожлантириш учун яратилган истиқболли лойиҳа. Буларнинг бари мамлакатимизда биз, ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик ва билдирилаётган юксак ишонч туфайлидир. Ўйлайманки, бутун мазмун-моҳияти билан соғлом ва баркамол авлодни ўстириш, интеллектуал салоҳиятли кадрларни юзага чиқаришни мақсад қилган Соғлом бола йилида бундай ишлар кўлами янада кенгаяди.

Айни пайтда ҳунармандчилик билан шуғулланиш баробарида, Гулистон давлат университетида таҳсил олаяпман. Мамлакатимизда ёшларга юксак эътибор қаратилаётган экан, ҳар қадам ва ҳар ишда бевосита Президентимизнинг меҳрини ҳис қилиб турган эканмиз, бундай дурдона асарлар яратишдан асло чарчамаймиз.

**Мансур РАЖАБОВ,**
**ҳунарманд.**
Сирдарё вилояти

СПОРТ

# Жаҳон кубогидаги муваффақият

*Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқичида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.*

Нуфузли мусобақанинг каноэда 500 метр масофага эшкак эшиш бўйича хотин-қизлар ўртасидаги жуфтликлар беллашувида терма жамоамиз аъзолари Юлия Цой ва Екатерина Заркова барча рақибаларини ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Яккаликлар ўртасида 200 метр масофага эшкак эшишда Юлия Цой учинчи натижани қайд этди.

Жаҳон кубогининг иккинчи босқичи 15 — 18 май кунлари Чехияда бўлиб ўтади. Унда саккиз нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ФАРОВОНЛИК»
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ
AGROBANK

«ФАРОВОНЛИК» — ОМАДИНГИЗ КАЛИТИДИР!
2014 йил 20 — 21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.




БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛДА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371) 273-03-04.
www.agrobank.uz

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ НАРХИ — 5 000 СЎМ.
Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.
Пул ютуқлари филиалларда, маиший техникалар ҳудудий бошқармаларда, автомашина ва тракторлар марказий аппарат орқали билет тақдим этилгандан сўнг 1 ой давомида берилади.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33
Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60
Наманган вилояти (8-369) 223-19-32
Навоий вилояти (8-436) 770-35-49
Самарқанд вилояти (8-366) 210-02-46
Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41
Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Лотерея билетларини балоғатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади.
Хизматлар лицензияланган.
704R/379

NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб миллий валютадаги янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади.

«ҚАДРИЯТ»

- Сақлаш муддати — 2 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра, аванс тариқасида ёки омонат муддати тугагандан кейин тўланади.
- Омонат 60 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахсларга очилади.
- Маблағларни қабул қилиш муддати — 2014 йил 1 июлгача.

«ЖАСОРАТ»

- Сақлаш муддати — 4 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан кейин сўмдаги пластик карточкасига ўтказилади.
- Маблағларни қабул қилиш муддати — 2014 йил 1 июлгача.

БИЗГА ЎЗ ОМОНАТЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ИШОНИБ ТОПШИРГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАРОВОН ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН ЖАВОБГАР ЭКАНЛИГИМИЗНИ БИЛДИРАМИЗ!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (8-371) 234-14-14, 235-42-83 ёки банкнинг барча бўлим/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com
Хизматлар лицензияланган.
717R/305


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Сайёра Раҳматовна Баратовага қизи **Гўзал ЎРМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, профессор Расул Холбековга отаси **Олимбек ХОЛБЕКОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Нилуфар Эшонқуловага отаси **РАҲМАТУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 719 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5